

“НАҲЖУ-Л-ФАРОДИС” АСАРИ, МУАЛЛИФИ ВА УМУМИЙ ТАРКИБИ

Валиев Сайдакбархон Юнусхон ўғли¹

¹ Тошкент давлат шарқшинослик университети

“Туркишунослик олий мактаби” 2-босқич таянч докторанти
тел.: +998903711558 e-mail: e-pochta: kaminasaid@gmail.com

Orcid ID: 0009-0009-6683-8600

МАҚОЛА МА'LUMOTI

АБСТРАКТ:

МАҚОЛА ТАРИХИ:

Received: 11.10.2024

Revised: 12.10.2024

Accepted: 13.10.2024

КАЛИТ СЎЗЛАР:

*Asar қирқ ҳадис
асосида тузилган
ўзига хос “Арбаъин”
китобидир. Asar
муқаддима, тўрт боб
ва уларнинг ҳар бири
ўн фасл – жами
қирқта фаслдан
иборат..*

“Nahju-l-farādīs” – “Uštmaxlarniј ačiq yoli” ёки “Жаннатларнинг йўли” асари XIV асрда Олтин Ўрда давлатига қарашли Хоразм диёрида “чиғатой тили”да ёзилган диний-фалсафий, илмий, тарихий-бадиий ва дидактик мазмундаги асардир. Унинг муаллифи Маҳмуд ибн Али ал-Кардариј ас-Саройидир.

КИРИШ. “Nahju-l-farādīs” – “Uštmaxlarniј ačiq yoli” ёки “Жаннатларнинг йўли” асари XIV асрда Олтин Ўрда давлатига қарашли Хоразм диёрида “чиғатой тили”да ёзилган диний-фалсафий, илмий, тарихий-бадиий ва дидактик мазмундаги асардир. Унинг муаллифи Маҳмуд ибн Али ал-Кардариј ас-Саройидир.

Асар қирқ ҳадис асосида тузилган ўзига хос “Арбаъин” китобидир. Асар муқаддима, тўрт боб ва уларнинг ҳар бири ўн фасл – жами қирқта фаслдан иборат. Фасллар бирор бир мавзуга бағишлиланган. Ҳар бир фаслининг бошида бир ҳадис келиб, унда ана шу ҳадиснинг моҳияти, мазмуни ибратли ҳикоятлар, диний ривоятлар, ўгитлар асосида талқин қилиб берилади.

Биз мақолана тайёрлашда асаосан Истанбулдаги Янги жоме кутубхонасида сақланаётган 879- рақамли қўлёзма нусхасидан фойдаландик. Бу нусха асар қўлёзмалари орасида тўлиқроқ ва энг қадимийларидандир.

Баъзида матнларни қиёслаш учун “Наҳжу-л-фародис”нинг Қозон давлат университети кутубхонасида 60261 рақами остида сақланаётган нусхаси. Бу нусха ҳам энг қадимги нусҳалардан бири бўлиб, тахминимизча, муаллифнинг назорати остида кўчирилган бўлиши керак. Бундай дейишимизга сабаб, бу нусха билан Янги жоме нусхасини солиштирганимизда Янги жоме нусхаси ушбу нусханинг янгиланган ва тўлдирилган варианти экани маълум бўлади. Бундан ташқари, бу нусха билан Янги жоме нусхасининг кўчирилган йиллари орасида икки йил фарқ бор.

Асар муаллифи ҳақида

“Наҳжу-л-фародис”нинг муаллифи ҳақида деярли маълумот йўқ. Муаллиф асар муқаддимасида ўзига нисбатан “*Haq ta’alā bu kitābni jam’ qılğan ’āṣī va jāfī qulīnī yarlıqāğay*”, (NFI.2a,1) деб умидланади. Асарнинг хотимасида эса хаттот муаллифни “Мусанниф” дея, қуйидаги маълумотни келтиради: “*Taqī bū kitābnīj muşannīfi mađkūr yakşanba kün dāru-l-fanādīn dāru-l-baqāğā riħlat qıldī*” (NFI.222a,16-17).

“Наҳжу-л-фародис”нинг Қозон нусхасида, асар хотимасида асар муаллифи ҳақида шундай жумла бор: “*Ikkinči yilqa yettī yüz ellik toqüzda Sarāy şahrında erdī. Jam qılğucī al-‘alimu-r-rabbani va-l- ‘alimu-ş-şamadāni ustادu-l-muṭlaq Maḥmud bin ‘Ali Šayx as-Saro’i manşa’ an va-l-Bülğārī mavlidan va-l-Kardarī*” (NFQ.264a,13-15)

Шарафуддин Маржоний эса ўзининг “Мустафаду-л-ахбор фи аҳвали Қозон ва Булғор” асарининг биринчи қисмида муаллиф ҳақидаги юқоридаги иқтибосини келтириб, бу жумла бошқа нусҳаларда йўқлигини таъкидлайди.²⁸

Муаллифнинг ўзи асарини бир неча ўринда “*kitāb*” деган. Муаллиф китобнинг тўрт бобдан иборат экани тўғрисида муқаддимада: “*Bu kitābnī tört bāb üzä qıldıq*” (NFI.1b,11) дея таъкидлаган. Асарнинг оти ҳақида: *Bu kitābgä* ““Naḥju-l-farādis” at berdiük” (NFI.1b,16) деб ёзган. Яна бу китобнинг кишиларга фойдаси, ҳикмати ҳақида муаллиф шундай деган: “*Bu kitābnī oqīğanlar bolğay-kim, bu kitāb sözləri birlə ‘amal qılğanlar, taqī bu kitāb anlarqa Haq ta’alānīj uştmaħlarinǵa yolčī bolğay. Ol ‘amal qılğanlar barākatında bolğay-kim, Haq ta’alā bu kitābnī jam’ qılğan āsī-jāfī qulīnī yarlıqāğay*” (NFI.1b,17–2a,1).

²⁸ Шарафуддин Маржоний. Мустафаду-л-ахбор фи аҳвали Қозон ва Булғор. Биринчи қисм. Казан. 1897й. – Б. 14.

Асарнинг ёзилиш тарихи

“Наҳжу-л-фародис”нинг Истанбулдаги Янги жоме нусхасида асарнинг ёзилиш санаси ҳақида: “*Bü kitāb tamām boldī tārix yetī yüz āltmīš birdä šahrullāhi-l-mubārak jumādi-l-ulā āyīnīj āltinč künündä erdī-kim, kitābnī qoşlūq vaxtindä tamām boldī. Taqī bü kitābnīj müşannīfī madkür yakşanba kün däru-l-fanādīn däru-l-baqāğa rihlat qildī*” (NFİ.222a,15-17) дейди. Бизнинг ҳисобимизга кўра бу сана милодий 1359й, 5-апрель, жума кунига Мусаннифнинг вафот этган куни эса 31-март, якшанба, жумадул уланинг 1-куни экан.

Аҳмад Закий Валидий бу санани милодий ҳисобга ўтириб, асарнинг ёзилиш тарихини 1360 йилнинг 25-марти, чоршанба кунига тўғри келишини ва мусаннифнинг вафотини эса 1360-йилнинг 22-мартига тўғри келишини айтади²⁹. Лекин, бизнинг ҳисобга кўра Аҳмад Закий Валидийнинг ўтирмаси 762-ҳижрий йилнинг жумодул ула ойига айнан кунма-кун тўғри келаяпти.

Асарнинг Қозон нусхаси ва Шаҳобуддин Маржонийнинг нусхаларида китобни ёзилиш тарихини, “*Ikkinçī yilqa yetti yüz elliq toqüzda Sarāy şahrında erdi.*”³⁰, дейди.

Асарнинг тили

“Наҳжу-л-фародис” асари Чигатой туркий тилида ёзилганини кўпчилик эътироф этади. Шарафуддин Маржоний “Мустафадул Ахбор”да “наҳжу-л-фародис”нинг тили ҳақида, “*Bü kitāb lisānī 'Usmānlī va Āğatāy va Turkmān va Qāzāqistān lisānlarina mābayandır*”³¹, яъни шу тилларга яқинdir, дейди.

Аҳмад Закий Валидий эса “Хоразмда ёзилмиш туркий асарлар” мақоласида, “*Bu kitābnīj lisānī eski adabiy türk dilī olmāgla Xārazm türk lahjasindä yāzilmişdir*”³², дейди.

“Наҳжу-л-фародис”нинг тили XIII-XIV асрдан бошлаб Хоразм ва Сирдарёнинг қуий қисмида ўғуз ва қисман қипчоқ маҳаллий лаҳжалари таъсирида қораҳонли тилидан ривожланган хоразм туркий тилидир³³.

Асарнинг ёзилиш сабаби

Муаллиф китобнинг ёзилиш сабаби ҳақида Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анхудан ривоят қилинган бир ҳадисни келтириб, сўнгидан: “*Bu hadisgä tamassuk qılıp,*

²⁹ Аҳмад Закий Валидий. Хоразмда зилмиш эски туркий асарлар. 19 (333) бет.

³⁰ Шарафуддин Маржоний. Мустафаду-л-ахбор фи ахвали Қозон ва Булғор. Биринчи қисм. Казан. 1897й. – Б. 14.

³¹ Шурафуддин Маржоний. “Мустафаду-л-ахбор фи ахвали Қозон ва Булғор”. Биринчи қисм. 13-бет.

³² Аҳмад Закий Валидий. “Хоразмда ёзилмиш туркий асарлар”. 30 (344)-бет.

³³ Kerdrli Mahmud. Cennetlerin Açık Yolu. Nehcü'l feradis. Hazırlayan: Yrd. Doç. Dr. Bilal Aktan. Edebiyat otağı yayınları. Ankara: 2006. 6 s.

qīrq hadis jam' qıldıq" (NFİ.1b,9) деб ёзади. Унинг бу сўзларидан асарнинг ёзилишига мана шу ҳадис сабаб бўлгани англашилади.

Давомидан китобга асос бўлган манбаларни айтиб, "Payğambar 'alayhi-s-salām hadisläriderin mu'tamad kitâblardin yana bu hadislärgä munâsib hikâyatlar Payğambar 'alayhi-s-salām aḥvâlidin, taqî xulafâ'-i râşidîn af'âlidin, taqî 'ulamâ va mašâix aqvâlidin dâm qıldıq", (NFİ.1b,9-1) деб асарнинг илмий қийматидан хабар беради.

Асарнинг тузилиши

Бундан кейин асарнинг такрибий тузилиши, яъни китобнинг неча боб ва неча фасл ва уларнинг қандай номланишини келтириб, "Taqî bu kitâbnî tört bâb üzä qıldıq. Taqî tekma bir bâbîni on faşl üzä qıldıq. Taqî tekma bir faşl avvalında bir hadis keltürdük. Payğambar 'alayhi-s-salām hadisläriderin-kim majmu'i qīrq hadis bolur", (NFİ.1b,11-13) дейди.

Бундан маълум бўладики, асар тўрт боб ва ҳар бир боб ўн фаслдан иборат. Яна ҳар фасл аввалида бир ҳадис келтирилади. Жами қирқ ҳадис бўлади.

Ундан кейин ҳар бир бобнинг умумий номларини санай бошлайди: "Avval bâbî Payğambar 'alayhi-s-salâmnıñ fađâ 'ilîniñ bayânî içindä turur. İkinçi bâbî xulafâ'-i râşidîn, taqî ahl-i bayt, taqî tört imâm fađâ 'ilîniñ bayânî içindä turur. Üçüncü bâbî Haq ta'âlâ hađratînğa yawunğı eđgü 'amallar bayânî içindä turur. Törtinci bâbî Haq ta'âlânıñ hađratîdîn yûratğu yawuz 'amallar bayânî içindä turur". (NFİ.1b,13-16).

Бу иқтибосдан англашиладики, ҳар бир боб алоҳида умумий мавзуга эга. Маълум бўлишича биринчи боб Пайғамбар алайҳиссаломнинг фазилатлари баёни ҳақида, иккинчи боби тўрт халифа – хулофои рошидин, ахли байт, яъни Пайғамбар алайҳиссаломнинг оила аъзолари ва тўрт мазҳаббаоши имомлар фазилатлари ҳақида, учинчи боб Ҳақ таолога яқинлаштирадиган эзгу амаллар ҳақида ва ниҳоят тўртинчи боб ҳақ таолодан узоқлаштирадиган ёвуз – гуноҳ амаллар ҳақида экан.

Боб ва фаслларнинг номланишида ҳам баъзи бир камчилик ва чалкашликлар борлиги учун боблар ва фаслларнинг номланишини "Наҳжу-л-фародис"нинг Истанбул ва Қозон нусҳаларини ўзаро қиёслаб кўрамиз:

"Avvalqî bâb. Payğambarîmüz 'alayhi-s-salâmnıñ fađâ 'ili içindä turur" (NFİ.2a,2).

Қозон нусҳасида: *"Bâb-i avval. Payğambar 'alayhi-s-salâmnıñ fađâ 'ilîniñ bayânî içindä turur"* (NFQ.2a,15-16) шаклида ёзилган.

Avvalqî faşl. Payğambar 'alahi-s-salâmnıñ fađâ 'ili içindä turur (NFİ.2a,2-3).

Қозон нусҳасида: *"Avvalqî faşl. Payğambar 'alahi-s-salâm aḥvâli içindä turur"* (NFQ.2a,15). Яъни, Пайғамбар алайҳи-с-саломнинг аҳволи – (турли хил) ҳолатлари,

ҳоллари ҳақидаги фасл. Бизнингча, мана шу ном биринчи фаслга кўпроқ мос тушади. Чунки, бу фаслда Пайғамбар лайхиссаломнинг таржимаи ҳоллари ва оила аъзоларига тегишли маълумотлар ёртилган.

“İkinči faşl. Payğambar ’alayhis-salāmqa vahî kelmäkiniň bayānī ičindä turur” (NFİ.3b,17).

“Üçünči faşl. Payğambar ’alayhi-s-salām taqī yārānlärī birlä İslām avvalindä emgängänläriniň bayānī ičindä turur” (NFİ.5b,14-15).

“Törtinči faşl. Payğambar ’alayhi-s-salām Makkadın Madinaqa čiqmaq bayānī ičindä turur” (NFİ.9b,13).

“Beşinči faşl. Payğambar ’alayhi-s-salāmnuň muō’jizātiniň bayānī turur” (NFİ.14a,5-6).

“Altıncı faşl. Payğambar ’alayhi-s-salām Makkaga kirmäkiniň bayānī turur” (NFİ.18b,2-3).

“Yetinči faşl. Payğambarnıň ’alayhi-s-salām Me’rājiniň bayānī ičindä turur (NFİ.26b,8).

“Seksinči faşl. Učmaňqa taqī tamuňqa tafarruj qılmaqī bayānī turur” (NFİ.30b,14).

Қозон нусхасида: **“Seksinči faşl.** Payğambar ’alayhi-s-salām Me’rāj tünindä učmaň tamuňqa tafarruj qılğäniniň bayānında” (NFQ.43a,12-13) шаклида ёзилган.

Бу фаслнинг сарлавҳаси бизнинг фикримизча Қозон нусхаси асосида бўлиши керак. Чунки, фасл ундан олдинги фаслнинг давоми бўлиб асосан бу фаслдаги ҳодисалар меърож кечасида рўй берган.

“Toqsinči faşl. Payğambar ’alayhi-s-salām Hunaynda ǵazāt qılmaqiniň bayānī turur” (NFİ.34b,13).

“Oninči faşl. Payğambar ’alayhi-s-salām vafatiniň bayānī ičindä turur” (NFİ.39a,4-5).

“İkinči bāb. Xulafā’i rāšidin taqī ahli bayt taqī tört imām fađāiliniň bayānī ičindä turur” (NFİ.46a,7-8).

“Avvalqī faşl. Abu Bakr rađiyallāhu ’anhunuň bayānī ičindä turur” (NFİ.46a,8).

“İkinči faşl. ’Umar rađiyallāhu ’anhunuň fađāiliniň bayānī ičindä turur” (NFİ.52b,13-14).

“Üçinči faşl. ’Usmān rađiyallāhu ’anhunuň fađāiliniň bayānī ičindä turur” (NFİ.61b,16-17).

“Törtinči faşl. ’Alī rađiyallāhu ’anhunuň fađāiliniň bayānī ičindä turur” (NFİ.69a,7).

“Beşinči faşl. Fāṭima rađiyallāhu ’anhā fađāiliniň bayānī ičindä turur” (NFİ.78b,13-14).

“Altıncı faşl. Hasan-Husayn rađiyallāhu 'anhu faḍāilinīj bayānī ičindä turur” (NFİ.84b,4-5).

“Yetinçi faşl. İmām A'żam Abu Ḥanifa Kūfi rahmatullāhi 'alayhi faḍāilinīj bayānī ičindä turur” (NFİ.93a,11).

“Seksinçi faşl. İmām Šāfi'i rahmatullāhi 'alayhi faḍāilinīj bayānī ičindä turur” (NFİ.99b,2-3).

“Toqsinçi faşl. İmām Mālik rahmatullāhi 'alayhi faḍāilinīj bayānī ičindä turur” (NFİ.103b,13).

“Oninci faşl. İmām Ahmad Ḥanbal rahmatullāhi 'alayhi faḍāilinīj bayānī ičindä turur” (NFİ.110a,7).

“Üçinci bāb. Haq ta'alā hađratīngä yawunğu 'amallar bayānī ičindä turur.

Avvalqī faşl” (NFİ.115a,3-4).

Қозон нусхасида: “**Bābu-l-sālis.** Faşl Haq subḥānahu va ta'alā hađratīngä yawunğu 'amallar bayānī ičindä turur va ham 'ilm faḍāilinīj bayānī ičindä turur” (NFQ.141a,11-13) шаклида ёзилган.

Учинчи боб ва унинг биринчи фасли номланишида икки нусха ўзига хос номланган. Истанбул нусхасида бобнинг номи ёзилиб, фасл номсиз қолган. Қозон нусхасида эса боб ва фаслнинг номи қўшиб юборилган. Шунинг учун бизнингча учинчи бобнинг сарлавҳаси “Haq ta'alā hađratīngä yawunğu 'amallar bayānī ičindä turur” бўлса, биринчи фасл номини “'ilm faḍāilinīj bayānī ičindä turür” деб номласак тўғри бўлади.

“İkinçi faşl. Namāz faḍāilinīj bayānī ičindä turur” (NFİ.120b,2-3).

“Üçinçi faşl. Zakātnīj taqī şadaqanīj faḍāilinīj bayānī ičindä turur” (NFİ.125a,12-13).

“Törtinçi faşl. Roza faḍāilinīj bayānī ičindä turur” (NFİ.130a,14).

“Beşinçi faşl. Haj va 'Umra faḍāilinīj bayānī ičindä turur” (NFİ.135a,11).

“Altıncı faşl. Ata-anaqa xidmat qılmaq faḍāilinīj bayānī ičindä turur” (NFİ.161a,15).

“Yetinçi faşl. Halāl yemäk faḍāilinīj bayānī ičindä turur” (NFİ.147a,13-14).

“Seksinçi faşl. Amr-i ma'ruf taqī nahī munkar faḍāilinīj bayānī ičindä turur” (NFİ.157a,1).

“Toqsinçi faşl. Tün-kün termäk faḍāilinīj bayānī ičindä turur” (NFİ.156b,13).

“Oninci faşl. Sabr va riđā faḍāilinīj bayānī ičindä turür” (NFİ.162a,4-5).

“Törtinçi bāb. Haq ta'alā hađratidin yiratgu tawuz 'amallar bayānī ičindä turur” (NFİ.167b,13-14).

“Avvalqī faşl. Nāhaq qan tökmäknij āfatī ičindä turur” (NFİ.167b,14-15).

“İkinči faşl. Zinā qılmaq āfatiniň bayānī ičindä turur” (NFİ.173b,4).

“Üçinči faşl. Xamr ičmäkläriniň bayānī ičindä turur” (NFİ.181b,10-11).

“Törtinči faşl. Takabbr qılmaq āfatiniň bayānī ičindä turur” (NFİ.186a,2).

“Beşinči faşl. Yalğan taqı ğiybat āfatiniň bayānī ičindä turur” (NFİ.190b,16).

“Altınči faşl. Duyyānī sewmäk āfatiniň bayānī ičindä turur” (NFİ.195b,8-9).

“Yetinči faşl. Riyā va sum'a āfatiniň bayānī ičindä turur” (NFİ.200b,15-16).

“Seksinči faşl. Gina va hasad āfatiniň bayānī ičindä turur” (NFİ.2,10-11).

“Toqsinči faşl. Ğurur va ğaflat āfatiniň bayānī ičindä turur” (NFİ.211b,14).

Козон нусхасида: **“Toquzinči faşl.** Ğurur, ğaflat āfatiniň bayānī ičindä turur” (NFQ.251b,16-17) шаклида ёзилган.

“Oninči faşl. Uzaq imiňc tutmaq āfatiniň bayānī ičindä turur” (NFİ.217a,3-4).

Боб ва фаслларнинг бундай қиёсий тадқиқидан шундай хулоса қилиш мумкинки, асар муаллифи китобни таҳрир қилиш асносида баъзи боб ва фасллар номларини тўлдирган бўлса-да, лекин баъзи ҳолларда камчиликка ҳам йўл қўйган. Шунинг учун бизнинг вазифамиз бу икки ва бошқа нусхаларни ўзаро солиштириб чогиштирма матн тузиш мақсадга мувоғиқ бўлади.

Асарнинг манбалари

Мусанниф “Наҳжу-л-фародис”ни тасниф қилишда кўпгина асарлардан фойдаланган. Асада Қуръони карим, тасфирлар, ҳадис тўпламлари, тарих ва тасаввуф асарларининг бир қанчасидан иқтибослар келтирган.

Асар муқадиммасида китоб ёзилишига сабаб бўлган ҳадис ва унинг туржимасидан кейин шундай дейди:

“Bu ҳadisgä tamassuk qılıp, qırq ҳadis jam’ qıldıq. Payğambar ’alayhi-s-salām hadis läridin mu’tamad kitāblardin yana bu ҳadis lärgä munāsib ҳikāyatlar Payğambar ’alayhi-s-salām aḥvālidin, taqı xulafā-i rāshidin af’ālidin, taqı ’ulamā va mašāyix aqvālidin dam qıldıq” (NFİ.1b,9-11).

Яъни, айтилмоқчики, бу китобга манба сифатида ҳадис китоблари, ҳикоятлар, Пайғамбар алайҳиссалом сийратиларига тааллуқли асарлар, халифалар тарихи ва уламо ва машойихлар сўзларидан иборат асарлардан фойдаланилган.

Яна бир ўринда: *“Şayx İmām İshāq Kalābādī aytur rahmatullāhi ’alayhi “Ta’arruf” atlığ kitābında”* (NFİ.2a,8-9) деб тасаввуфга оид асарнинг номини айтиб, ундан иқтибос келтиради.

Иккинчи бобнинг учинчи фаслиниң охирида ҳам Умар р.а.нинг вафоти, қабри ва қай ҳолда дағн қилинганини айтиб, маълумонинг манбаси: Netakkim Havāshida bītiklik turur (NFİ.61b,13) деб асар номини келтиради.

“Наҳжу-л-фародис” асарини ёзишда фойдаланилган адабиётларни шартли равишда қисқача қўйидаги турларга ажратса бўлади:

- а) Қуръони карим оятлари;
- б) Тафсир китоблари;
- в) Ҳадис тўпламлари;
- г) Тасаввуф илмига оида асарлар;
- д) Тарихий асарлар.

Ҳар фаслда келтирилган ҳадисларнинг ўзи ҳам бир неча ҳадис тўпламлари, тафсир ва тасаввуфий асарлардан олинган. Мусанниф ҳар бир ҳадис аввалидан ўша ҳадис олинган асар ва унинг муаллифни келтириб ўтади.

Кўйида “Наҳжу-л-фародис”нинг ҳар бир фаслда келтирилган ҳадислар манбаларини асарнинг Истунбул ва Қозон нусхалари билан қиёслаб кўриб чиқамиз.

1-боб. 1-фасл. “İmām Bağavî rahmatullâhi ’alayhi “Masâbih” atlığ kitâbında bu hadisni keltürmiş” (NFİ.2a,2-3).

1-боб, 2-фасл. “İmām Sağanî rahmatullâhi ’alayhi “Maşâriqu-l-anvâr” atlığ kitâbi içindä bu hadisni keltürmiş” (NFİ.3b,17-4a,1).

1-боб, 3-фасл. “İmām Abü-l-Ma’âlî Muhammed İsbâhânî rahmatu-l-llâhi ’alayh tafsırında Sûratu-l-Ahzâb içindä bii hadisni keltürmiş” (NFİ.5b,15).

1-боб, 4-фасл. “İmām Abu-l-’Alâ-i Oşî râhmatullâhi ’alayhi “Nişâbu-l-Axbâr” âtlîğ kitâbindä bii hadisni keltürmiş” (NFİ.9b,13-14).

1-боб, 5-фасл. “İmām Bağavî râhmatullâhi ’alayhi “Maşâbih” âtlîğ kitâbdä bii hadisni keltürmiş” (NFİ.14a,6-7).

1-боб, 6-фасл. “İmām Bağavî râhmatullâhi ’alayhi “Maşâbih” âtlîğ kitâbindä bii hadisni keltürmiş” (NFİ.18b,3).

1-боб, 7-фасл. “İmām Bağavî râhmatullâhi ’alayhi “Maşâbih” âtlîğ kitâbindä bii hadisni keltürmiş” (NFİ.26b,8-9).

1-боб, 8-фасл. “İmām Bağavî râhmatullâhi ’alayhi “Maşâbih” âtlîğ kitâbdä keltürmiş bii hadisni” (NFİ.30b,14-15).

1-боб, 9-фасл. “İmām Abü-l-’Alâ-i Oşî râhmatullâhi ’alayhi “Nişâbu-l-axbâr” âtlîğ kitâbdä bii hadisni keltürmiş” (NFİ.34b,13-14).

1-бөб, 10-фасл. “İmām Bağavî rahmatullāhi ’alayhi “Maşābih” ātılığ kitābdä bü hadisnī keltürmiš” (NFİ.39a,5).

2-бөб, 1-фасл. “İmām Sağanî rahmatullāhi ’alayhi “Maşāriqu-l-anvār” ātılığ kitābindä bü hadisnī keltürmiš” (NFİ.46a,9).

2-бөб, 2-фасл. “İmām Bağavî rahmatullāhi ’alayhi “Maşābih” ātılığ kitābindä kormiš bü hadisnī keltürmiš” (NFİ.52b,14).

2-бөб, 3-фасл. “İmām Abü-l-’Alā’i Oşî rahmatullāhi ’alayhi “Nişābu-l-axbār” ātılığ kitābindä bü hadisnī keltürmiš” (NFİ.61b,17).

2-бөб, 4-фасл. “İmām Muslim Nişāpūrî rahmatullāhi ’alayhi “Şahih” ātılığ kitābindä bü hadisnī keltürmiš” (NFİ.69a,7-8).

2-бөб, 5-фасл. “İmām Abü-l-’Alā’i Oşî rahmatullāhi ’alayhi bü hadisnī “Nişābu-l-axbār” ātılığ kitābindä keltürmiš” (NFİ.78b,14).

2-бөб, 6-фасл. “İmām İsmā’il Buxārî rahmatullāhi ’alayhi “Şihāh” ātılığ kitābindä bü hadisnī keltürmiš” (NFİ.84b,5-6).

2-бөб, 7-фасл. “İmām Sağanî rahmatullāhi ’alayhi “Maşāriqu-l-anvār” ātılığ kitābi içindä bü hadisnī keltürmiš” (NFİ.93a,12).

2-бөб, 8-фасл. “İmām Muhammed bin Başraviyya rahmatullāhi ’alayhi “Kanzu-l-axbār” ātılığ kitābindä bü hadisnī keltürmiš” (NFİ.99b,3-4).

2-бөб, 9-фасл. “İmām Qādî aydî Abu ’Abullâh Quḍâ’î rahmatullāhi ’alayhi “Şihābu-l-axbār” ātılığ kitābindä bü hadisnī keltürmiš” (NFİ.103b,13).

Қозон нусхада: “İmām Qādî Abu ’Abullâh Quḍâ’î rahmatullāhi ’alayhi “Şihābu-l-axbār” ātılığ kitābindä bü hadisnī keltürmiš” (NFQ.131b,18-19) шаклида ёзилган.

2-бөб, 10-фасл. “İmām ’Abullâh Saraxsî rahmatullāhi ’alayhi “Mavāqit” ātılığ kitābindä bü hadisnī keltürmiš” (NFİ.110a,7-8).

3-бөб, 1-фасл. “İmām Ğazzälî rahmatullāhi ’alayhi “Iḥyā ‘u-l-‘ulum” ātılığ kitābindä bü hadisnī keltürmiš” (NFİ.115a,3-4).

3-бөб, 2-фасл. “İmām Bağavî rahmatullāhi ’alayhi “Maşābih” ātılığ kitābindä bü hadisnī keltürmiš” (NFİ.120b,3).

3-бөб, 3-фасл. “İmām ’Abullâh Quḍâ’î rahmatullāhi ’alayhi “Şihābu-l-axbār” ātılığ kitābindä bü hadisnī keltürmiš” (NFİ.125a,13-14).

Қозон нусхасыда: “İmām Abu ’Abullâh Quḍâ’î rahmatullāhi ’alayhi “Şihābu-l-axbār” ātılığ kitābindä bü hadisnī keltürmiš” (NFQ.153b,15-16) шаклида ёзилган.

3-бөб, 4-фасл. “İmām Abu-l-Layṣ Samarqandî rahmatullāhi ’alayhi “Tanbihu-l-Ğāfilin” ātılığ kitābindä bü hadisnī keltürmiš” (NFİ.130a,14-15).

3-бөб, 5-фасл. “*Abü-l-'Alā'i Oşî rahmatullâhi 'alayhi "Nişâbu-l-axbâr"* ātlıǵ kitâbindä bû hadisnî keltürmiš” (NFİ.135a,11-12).

3-бөб, 6-фасл. “*İmâm Ǧazzâlî rahmatullâhi 'alayhi "İhyâ'u-l-'ulum"* ātlıǵ kitâbindä bû hadisnî keltürmiš” (NFİ.161a,16).

3-бөб, 7-фасл. “*İmâm Ǧazzâlî aytür rahmatullâhi 'alayhi "İhyâ'u-l-'ulum"* ātlıǵ kitâbindä bû hadisnî keltürmiš” (NFİ.147a,14-15).

3-бөб, 8-фасл. *İmâm Bağavî rahmatullâhi 'alayhi "Maşâbih"* ātlıǵ kitâbindä bû hadisnî keltürmiš” (NFİ.157a,1-2).

3-бөб, 9-фасл. “*İmâm Muslim Nişâpiûrî rahmatullâhi 'alayhi "Şâhih"* ātlıǵ kitâbindä bû hadisnî keltürmiš” (NFİ.156b,13-14).

3-бөб, 10-фасл. “*İmâm Abu-l-Lays Samarqandî rahmatullâhi 'alayhi "Tâbihu-l-Ğâfilin"* ātlıǵ kitâbindä bû hadisnî keltürmiš” (NFİ.162a,5).

4-бөб, 1-фасл. “*İmâm Bağavî rahmatullâhi 'alayhi "Maşâbih"* ātlıǵ kitâbindä bû hadisnî keltürmiš” (NFİ.167b,15).

4-бөб, 2-фасл. “*İmâm Muhammed Buxârî rahmatullâhi 'alayhi "Şâhih"* ātlıǵ kitâbindä bû hadisnî keltürmiš” (NFİ.173b,5).

4-бөб, 3-фасл. “*İmâm Muhammed bin Başravîyya rahmatullâhi 'alayhi "Kanzu-l-axbâr"* ātlıǵ kitâbindä bû hadisnî keltürmiš” (NFİ.181b,11-12).

4-бөб, 4-фасл. “*İmâm Bağavî rahmatullâhi 'alayhi "Maşâbih"* ātlıǵ kitâbindä bû hadisnî keltürmiš” (NFİ.186a,2-3).

4-бөб, 5-фасл. “*İmâm Abu 'Îysâ Termidî rahmatullâhi 'alayhi "Jâmi"* ātlıǵ kitâbindä bû hadisnî keltürmiš” (NFİ.190b,16-17).

Қозон нусхасида: “*İmâm taqî Abu 'Îysâ Termidî rahmatullâhi 'alayhi "Jâmi"* ātlıǵ kitâbindä bû hadisnî keltürmiš” (NFQ.228b,16-17) шаклида ёзилган.

4-бөб, 6-фасл. “*İmâm Abu-l-Lays Samarqandî rahmatullâhi 'alayhi "Tâbihu-l-Ğâfilin"* ātlıǵ kitâbindä bû hadisnî keltürmiš”. (NFİ.195b,9-10).

4-бөб, 7-фасл. “*İmâm Bağavî rahmatullâhi 'alayhi "Maşâbih"* ātlıǵ kitâbindä bû hadisnî keltürmiš” (NFİ.200b,16).

4-бөб, 8-фасл. “*İmâm Abu-l-Lays Samarqandî rahmatullâhi 'alayhi "Tâbihu-l-Ğâfilin"* ātlıǵ kitâbindä bû hadisnî keltürmiš” (NFİ.206a,11).

4-бөб, 9-фасл. “*İmâm Say'ân bin Mahdî rahmatullâhi 'alayhi "Musnadü Anas"* ātlıǵ kitâbindä bû hadisnî keltürmiš” (NFİ.211b,14-15).

Қозон нусхасида: “*İmâm Sam'ân bin Mahdî rahmatullâhi 'alayhi "Musnadü Anas"* ātlıǵ kitâbindä bû hadisnî keltürmiš” (NFQ.251b,17-18) шаклида ёзилган.

Икки нусхада асар муаллифи турлича келган. Бизнинг изланишимиз натижасида Қозон нусхасида ёзилган муаллифнинг исми тўғри булиб чиқди. Юқорида айтилганидек муаллиф таҳир жараёнида хатога ҳам йўл қўйган бўлиши мумкин.

4-боб, 10-фасл. “*İmām Bağavī rahmatullāhi ’alayhi “Maṣābih” ātlīğ kitābindā bī hadisnī keltürmiš*” (NFİ.217a,4).

Бу мавзу холосасида шуни айтиш мумкинки, мусанниф қирқ ҳадисга асос бўлган манбаларни жуда пухта ва илмий асосга қўра танлаган. Деярли барча манбалар Ислом олимлари орасида машҳур бўлган ва юксак эътирофларга эга бўлган асарлардир. Аммо, муаллифнинг исм, шарифи ва асар номи бир нусханинг ўзида ҳам турлича берилган.

Шу ерда қирқ ҳадисга асос бўлган манбаларни бир жадвал асосида кўриб чиқсан янада равshanроқ кўринади:

| № | Муаллифи | Асарнинг оти | Боби | Фасл и |
|---|--|--|------|--------|
| 1 | <i>İmām Bağavī</i> |  | 1 | 1 |
| | | | 1 | 5 |
| | | | 1 | 6 |
| | | | 1 | 7 |
| | | | 1 | 8 |
| | | | 1 | 10 |
| | | | 2 | 2 |
| | | | 3 | 2 |
| | | | 3 | 8 |
| | | | 4 | 1 |
| | | | 4 | 4 |
| | | | 4 | 7 |
| | | | 4 | 10 |
| 2 | <i>İmām Sağānī</i> | <i>Maṣāriqu-l-anvār</i> | 1 | 2 |
| | | | 2 | 1 |
| | | | 2 | 7 |
| 3 | <i>İmām Abü-l-Ma’ālī Muḥammad İsbahānī</i> | <i>tafsirında Sūratu-l-Ahzāb içında</i> | 1 | 3 |

| | | | | |
|----|---|--------------------------|---|----|
| 4 | <i>İmām Abu-l-'Alā-i Oṣī, Abū-l-'Alā'i Oṣī</i> | <i>Niṣābu-l-Axbār</i> | 1 | 4 |
| | | | 1 | 9 |
| | | | 2 | 3 |
| | | | 2 | 5 |
| | | | 3 | 5 |
| 5 | <i>İmām Muslim Nišāpūrī</i> | <i>Sahih</i> | 2 | 4 |
| | | | 3 | 9 |
| 6 | <i>İmām İsmā'il Buxārī, İmām Muḥammad Buxārī</i> | <i>Sīhāh Sahih</i> | 2 | 6 |
| | | | 4 | 2 |
| 7 | <i>İmām Muḥammad bin Bašraviyya</i> | <i>Kanzu-l-axbār</i> | 2 | 8 |
| | | | 4 | 3 |
| 8 | <i>İmām Qādī aydī Abu 'Abullāh Quḍā'ī, İmām Qādī Abu 'Abullāh Quḍā'ī İmām 'Abullāh Quḍā'ī, İmām Abu 'Abullāh Quḍā'ī</i> | <i>Šihābu-l-axbār</i> | 2 | 9 |
| | | | 3 | 3 |
| 9 | <i>İmām 'Abullāh Saraxsī</i> | <i>Mavāqit</i> | 2 | 10 |
| 10 | <i>İmām Ğazzälî</i> | <i>İḥyā 'u-l- 'ulum</i> | 3 | 1 |
| | | | 3 | 6 |
| | | | 3 | 7 |
| 11 | <i>İmām Abu-l-Lays Samarqandī</i> | <i>Tanbihu-l-Ğāfilin</i> | 3 | 4 |
| | | | 3 | 10 |
| | | | 4 | 6 |
| | | | 4 | 8 |
| 12 | <i>İmām Abu 'Iysā Termidī</i> | <i>Jāmi</i> | 4 | 5 |
| 13 | <i>İmām Say'ān bin Mahdī</i> | <i>Musnadü Anas</i> | 4 | 9 |

| | | | | |
|--|----------------------------------|--|--|--|
| | <i>İmām Sam'ān bin Mahdī</i> | | | |
|--|----------------------------------|--|--|--|

Бу жавалда кўришимиз мумкинки, тўрт боб ва қирқта фаслда фойдаланилган ҳадислар 13 та муаллифнинг асаридан манба тариқасида олинган экан. Яна шуни таъкидлаб лозимки, асарнинг ўзида муаллиф ва асарларнинг номларида ҳам фарқлар мавжуд.

Мусаннифнинг ўзи ҳам китоб охирида яна бир неча китоблардан фойдаланганини айтиб ўтади:

“Bü kitābnī jam’ qılguči andağ aytur-kim, bu sözni-kim, tekma bir söz-kim, tafsırgä muta’lliq bolgay. Ol sözlär jumlaşı İmām Jārullāhu-l-Allāma rahmatullāhi ’alayhi öziniy “Kaşşāf”idin naql qıldı. Taqī İmām Abü-l-Ma’ālî Muhammād İsbahānī öziniy “Tafsır”idin naql qıldı. Yanā tekma bir faşl avvalında-kim, Paygāmbar ’alayhi-s-salāmdin hadis rivāyat qıldı. Buü kitāb atī aytmiş turur. Taqī öjün hadislär taqī ol maðkur kitāblardin naql qılımiş turur. Yana ol kalimat ’ulamā va mašāyix bolgay. Ya taqī anlarniy hikāyatı bolgay. Anlarniy jumlaşı Şayx Abu Tālib Makkī rahmatullāhi ’alayhi öziniy “Qutu-l-qulub” Qulub atlī kitābidein naql qıldı. Taqī İmām Zaynu-l-A’yimma-l-Firdavṣī rahmatullāhi ’alayhi öziniy “Mujtali” atlīg kitābidein naql qıldı. Ham yana ba “Mujtali” şarhīdīn naql qıldı. Taqī İmām Vāqidī rahmatullāhi ’alayhi öziniy “Mağāzī” atlīg kitābidein naql qıldı. Taqī İmām Muhammād Kātib rahmatullāhi ’alayhi öziniy “Mağāzī” atlīg kitābidein naql qıldı (NFİ.222a,17–222b,1-9).

Асар хотимасидаги бу иқтибосда ҳам бир нечта китоб ва уларнинг муаллифлари санаб ўтилган. Улар:

- 1) *İmām Jārullāh al-Allāma - “Kaşşāf”;*
- 2) *İmām Abü-l-Ma’ālî Muhammād İsbahānī - “Tafsır”;*
- 3) *Şayx Abu Tālib Makkī - “Qutu-l-qulüb”;*
- 4) *İmām Zaynu-l-A’yimma-l-Firdavṣī - “Mujtali”;*
- 5) *İmām Vāqidī - “Mağāzī”;*
- 6) *İmām Muhammād Kātib - “Mağāzī”.*

Юқорида ўтган сатрларда келтирилган маълумотлардан шуни ангаш мумкинки, мусанниф “Нахжу-л-фародис”ни тасниф қилишда номлари зикр қилинган йигирмага яқин манбадан ташқари яна бир қанча тафсир, ҳадис, фикҳ, ақида ва тасаввуфга оид адабиётлардан фойдаланган.

Асарни кўчирган котиблар

Янги жоме кутубхонаси фиҳристи (каталоги)да 879 рақамли китобнинг номини “Фазоилу-л-мўъжизот”, муаллфини эса Муҳаммад ибн Хусрав ал-Хоразмий деб берилган³⁴.

Ваҳолангки бу Муҳаммад ибн Хусрав ал-Хоразмий китобни кўчирган хаттот бўлиб, асарнинг охирида котиб китобнинг қачон кўчирилганини баён қиласди:

Bü kitāb tamām boldī tārīx yetī yüz āltmīš birdā šahrullāhi-l-mubārak jumādi-l-ulā āyīnīj āltinč künindā erdī-kim, kitābnī qoşlüq vaxtindā tamām boldī. Taqī bü kitābnīj muşannīfī madkür yakşanba kün dāru-l-fanādīn dāru-l-baqāga rihlat qildī (NFİ.222a,15-17).

Ундан кейинги, асарнинг колофон саҳифада котиб ўзини таништиради:

Al-kātibu-l-’āsiî-l-hāfi-r-rājī ilā raḥmati rabbīhi-l-lāṭīfu ’alā yadi ’abdi-qa’ifī-n-nāxīfu-l-faqīr mulaqqab bismi Muḥammad ibn Muḥammad Xusravu-l-Xārazmī ḡafara Allohu lahu li-man katab va li-man nażara va li-man qar‘a va li-jamī’i-l-mūmīniyā val-mūmīnāt. Amin Rabba-l-’alamiy (NFİ.222b,13-17).

Бу иқтибослардан маълум бўлишича, китоб 761 ҳижрий йилнинг Жумадул ула ойининг олтинчи куни, якшанба кунида Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Хусрав ал-Хоразмий тарафидан кўчирилган.

Адабиётлар:

1. Nehcul-Feradis. Ushtmahlarinin Achuq Yoli. Cennetlerin Achiq Yolu Doghru Siralanmish. El Yazma. Ebced-444s.
2. Мустафад аль-ахбар фи ахваль Казан ва Булгар. Часть вторая.. – Казан. Типографія Б.Л. Домбровский, 1897. – 264 с.
3. Аҳмад Заки Валидий. Хоразмда ёзилмиш эски туркча асарлар. Туркият мажмуаси 2 -1928. – 40 (315-354).
4. Mahmut b. Ali. Nehçü'l-feradis. Uşmaħlarning açuq yoli. (Cennetların açık yolu). Metin, Dizin-Sözlük, Tıpkıbasım. Birleştirilmiş baskı. Tıpkıbasım ve çeviri yazı Janos ECKMANN. Yaylayanlar: Semith TEZCAN – Hamza ZÜLFİKAR. Dizin-Sözlük: Aysu ATA. Ankara, 2014.
5. Nehcü'l-ferâdîs Kazan devlet üniversitesi kütüphanesi nüshası (inceleme – metin – dizin) Doktora tezi Ayşe ŞEKER İstanbul, 2018
6. Kerdrli Mahmud. Cennetlerin Açık Yolu. Nehcü'l feradis. Hazırlayan: Yrd. Doç. Dr. Bilal Aktan. Edebiyat otağı yayınları. Ankara: 2006.
7. Fihriси мактабати Яни Йоме. S 104.

³⁴ Fihriси мактабати Яни Йоме. 46 s.